

## **ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ОИЛА ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Хайитхон Махаммаджоновна ИСМОИЛОВА**

катта ўқитувчи

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти

Андижон, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада Фарғона водийсининг иқлими, географияси, аҳолисининг турмуш тарзи, оила қадриятлари ва урф-одатлари баён қилинган. Фарғона водийси тимсолида миллий қадриятларнинг ўзбек халқи маданий ва маънавий урф-одатларининг қадимдан хозиргacha шаклланиб келган муҳим сегменти ҳақидаги фалсафий қарашлар илмий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** Фарғона водийси, урф-одат, қадрият, оила, никоҳ, ижтимоий муносабатлар, аҳоли, миллий қадриятлар.

## **НАЦИОНАЛЬНО-МЕНТАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СЕМЬИ И ЦЕННОСТНАЯ СИСТЕМА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ**

**Хайитхон Махаммаджоновна ИСМОИЛОВА**

старший преподаватель

Андижанский институт экономики и строительства

Андижан, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье описаны особый климат, география, образ жизни, семейные ценности и традиции Ферганской долины. На примере Ферганской долины научно проанализированы философские взгляды на важный сегмент культурных и духовных традиций узбекского народа.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, традиция, ценности, семья, брак, общественные отношения, население, национальные ценности.

Глобаллашув жараёнларида қўплаб инсонлар турмуш-тарзига салбий таъсир этувчи омиллар борки, булар демографик ўсиш, ижтимоий муносабатлар, аҳоли турмуш тарзининг реструктив ривожига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ўзини таниган ҳар бир миллат олдида миллат бардавомийлигини таъминлаш, миллий урф-одатлар ва қадриятларни сақлаб қолиш давр тақозосига айланмоқда.

Миллий қадриятлар трансформациясини ўрганиш жамият олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбек халқининг урф-одатлари ва қадриятларини қўплаб тадқиқотчилар ўрганмоқда. Ҳусусан Фарғона

водийсининг ўзгача иқлими, географияси, аҳолисининг турмуш тарзи, қадриятлари ва урф-одатлари тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотади. Фарғона водийси тимсолида оила қадриятлари ўзбек халқининг маданий ва маънавий урф-одатларининг қадимдан хозиргача шаклланиб келган муҳим сегменти бўлиб, миллий муносабатлар изчилигини ифодалайди.

Водий дастлаб кўчманчи қабилалардан ташкил топган, атрофни ўраб турган тоғлар билан ажратилган дехқончилик худуди эди. Вақт ўтиши билан дехқонлар ва кўчманчилар маданияти ягона ажралмас тарихга айланди [5;10].

Фарғона водийси ярим чўлдан ташкил топган бўлсада, лекин унумдор ерларга ҳам эга. Самарали суғориш тизими, кенг узумзор майдонлар, пахта саноати, экинзор ерлар, жумладан; кенг тарқалган маҳаллий девзира гуруч, аччиқ қалампир экиладиган далалар, сазан балиқлари, ипакчилик, йўллар ва хиёбонлар, кенг тутзорлар, тоғларида ўсадиган арча, дўлана каби хўжалик маҳсулотлари инсон ҳаёти учун зарур бўлган қулай шароитни яратади. Минтақада гуруч ва қўй гўштидан ўзгача мазали таомлар тайёрланади. Қўқон тарихида муайян ўрин эгаллаган баланд ғилдиракли аравалар водийнинг ўзига хос ўтмишидан дарак беради.

Аксарият эркаклар дўппи кияди. Дўппиларнинг нақшига қараб қайси худуддан эканлигини аниқлаш мумкин. Ўзига хос миллий қулолчилик ва нон марказлари доим халқаро эксперталар диққатини тортган. Ўзига хос тўй маросимлари, чойхона паловлари, асқия, сўз ўйинлари водий эркаклари ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади.

Фарғона водийси орқали ўтган Буюк ипак йўли минтақадаги кўплаб соҳаларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Бу йўл орқали ипак, қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумуш тақинчоқлар, рангли шиша безаклари, фармацевтика ва бўёқлар, зотли отлар ва турли хил мевалар олиб ўтилганлиги манбааларда келтирилган. Бундан ташқари водий диний миссионерлар, устоз хунармандлар, мусиқачилар, актёрлар ва рассомлар учун ҳам тажриба алмашинувчи макон вазифасини бажарган.

Фарғона водийси тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Водий турмуш тарзидан маълумот берувчи кўплаб манбааларда бу ҳақда далиллар келтирилган.

Исҳоқхон Жунайдулло хожа ўғли Ибратнинг “Тарихи Фарғона” [2;12] асарида Фарғона номининг пайдо бўлиши бўйича бир ривоят келтирилган. Яъни шоҳ Искандар даврида бир худудда яшовчи аҳоли, ўзлари учун бир жой ажратилишини ва ўша жойга шаҳар барпо қилмоқчи эканликларини айтади. Шоҳ Искандар бунга рози бўлади ва бир ақли расо инсонни уларга бош этиб тайинлайди. У кишининг исми Фарғона полвон экан. Фарғона полвон у шаҳардан бу шаҳардан одамларни, оиласаларни олиб келибди, номини Хар хона деб қўйиб, бу сўз Пархона кейинчалик ўша одамнинг исми ва жой номидан келиб чиқиб Фарғона деб номланибди. Бу жойнинг асл номи ҳозирги Марғилон худудига тўғри келади. Фарғона эса умумий ҳолатда водий аҳолиси истиқомат қиласиган жойдир.

Яна ўша манбаада муаллиф бундай деб ёзади: “Низом ут-тарихи” Қозий Байзовийдан “Равзат ус-сафо” ҳикоя қиласидур: Фарғона Қубод ва Афросиёб вақтида пайдо бўлган бўлса, ҳазрати Сулаймон даврига тўғри келади. Ҳазрати Сулаймон даври Одамдан беш минг йил кейин эди. Ҳозирга келиб Одамдан етти минг тўрт юз йил кўпроқ вақт ўтди. Бу ҳисобда Фарғонанинг бино бўлгани икки минг беш юз йилларга яқин бўлса керак. Ундан чиқди Фарғона Қубод, Нўширвон, Афросиёб ва Искандарлардан қолган эски шаҳарлиги маълум бўладир” [2;13] дейди.

Йўлдош Сулаймон “Фарғонанома” [4;35] достонида Фарғона водийси жаннатмакон худуд эканлигини баён қиласиди. Ер юзи яратилиб Одам фарзандлари кўпайишади. Улар қариндошларга ажралиб ерни бўлиб оладилар. Фақат бир гуруҳ одамлар ер бўлинаётганида кеч қоладилар ва уларга ерда жой тугаб қолади. Шунда улар Аллоҳдан кеччиккани учун узр сўраб, ҳеч ким бўлмаган бирор ер сўрайдилар.

*Ё худо, – дебди улар.*

*Ерлик бўлди ҳамма эл,*

*Яна борми мулкингда бирор эгасиз маскан?  
Жамолинг кўриб, ё раб, етдик орзу ҳавасга!  
Даргоҳингда турибмиз – бу иқболдир аввало [4;35].*

Шунда карами кенг Аллоҳ бу бандалари учун малоиклари яшайдиган жойдан ер ажратган экан. Бу жой жаннатнинг бир чети бўлиб, ҳозирги Фарғона водийсига тўғри келаркан. Ушбу жойни олган инсонлар водий аҳолиси эканлиги достонда баён қилинади.

Юқоридаги дастон, ривоятлардан Фарғона водийсининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши маълум бўлади. Бу худуд аҳолиси қадимдан ўзига хос турмуш-тарзига эга эканлиги аён.

138 йилдан 90 йилгача Фарғона водийси воқеалари ҳақида Shixchi (Yozuvlar Buyuk tarixchi) va Xan Shu (Xan kitobi)да “Давон халқи ўтроқ хаёт кечиради, дехқончилик билан шуғулланади, шоли ва буғдой экади. Уларда узум шароби бор. Уларнинг отлари самовий отларнинг зоти. Даванда 70 тача катта ва кичик шаҳарлар мавжуд, аҳолиси бир неча юз мингача етади. Уларнинг қуроллари ўқлари ва найзалари мавжуд” [5] деб маълумот берилади.

Фарғона водийси оила урф-одат ва қадриятларини тарихий тадбиқ этишда “Авесто” муҳим манбаа ҳисобланади. “Авесто”нинг энг қадимги қисмларида (Яшт, Готалар) ибтидоий тасаввурлардан келиб чиққан узоқ аждодларнинг ижтимоий ҳаёти ва маънавий маданияти ҳақидаги маълумотлар [1;140] ўз аксини топган. “Авесто” маълумотлари, жамият, оила ва унинг таркиби, уруғ ва қабилалрнинг тузилиши, худудий жойлашуви ва ўзаро алоқалари [1;140] каби масалаларни ўрганишга имкон яратади.

Фарғона водийсининг иқлими, аҳолиси турмуш тарзи, қадриятларини ўрганиш арабшунос, турқ, эрон, рус олимларида катта қизиқиш уйғотган. Улар Фарғона водийси бўйича экспедиция ва тадқиқотлар олиб борганлар.

Фарғона водийсининг тарихи олис қадимият билан боғлиқ эканлиги хусусида “Табақати Тоҳирий”, “Мулаҳақот ус-суроҳ”, “Қомус ул-аълом”,

“Ажойиб ул-булдон”, “Шоҳнома” каби асарларда аниқ маълумотлар ўрин олган [3;16].

Мухаммад ат-Табарийнинг “Тарихи Табари” асарида Туркистон халкларининг араб босқинчилариға қарши кураши ва қўзғолонлари, жумладан Фарғонадаги жанглар, Абу Муслим ҳаракати, Муқанна қўзғолони баён қилинган.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган Фарғона водийси миллий ментал хусусиятлари, оиласвий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, эркак билан аёл муносабати, фарзанд камолоти, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрларида оиласвий қадрият ва урф-одатлар халқимиз турмуш тарзининг бир қисми эканлигини кўрамиз.

Фарғона водийсидан оила муносабатларини фикҳий таҳлил қилган буюк аллома Бурхониддин Марғиноний каби сиймолар чиқкан. Бурхониддин Марғинонийнинг “Хидоя” асари Марказий Осиёда Ханафия мазҳабининг амал қилиши, Фарғона водийсида оила, никоҳ, эмизиш, талоқ, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солинишига хизмат қилган.

Фарғона водийси ўзига хос иқлими, географик жойлашуви аҳолисининг зичлиги, урф-одат ва қадриятларидағи миллий ментал хусусиятлари билан бошқа худудлардан ажralиб туради.

Лекин водийни ўрганиш бўйича халқаро миқёсда энг катта қизиқишига сабаб фақат ушбу унсурлар эмас, водий тарихида бўлиб ўтган нотинчликлар, аянчли ҳодисалар кўпчилик диққатини ўзига жалб этади.

XVII асрдаги сув тошқини, 1920 йилдаги кучли зилзила нафақат водийга балки бутун Марказий Осиёга катта таъсир ўтказди. Аммо сўнгги совет давридан бошлаб, энг катта муаммо ижтимоий ва маданий зиддият бўлди. СССР даврида ва унинг парчаланиши олдидан мажбуран кўчирилганлар орасида зиддият пайдо бўлди. 1989 йил ўзбеклар ва масхети турклари орасидаги зиддият, 1990 йилда Ўш шаҳридаги ўзбеклар ва

киргизлар ўртасидаги низоли вазият, 1992 йилда Наманганда диний зўравонликнинг авж олиши каби масалалар катта тортишувларга сабаб бўлди. Маълумотларга кўра 2000 йилда мусулмон экстремист гурухлари бутун водийга кўчиб ўтишга харакат қилганлар. Кейинчалик 2005 йил 13 майда Акромийлар ҳаракати Андижон вилоятида террористик актларини амалга оширди.

Фарғона водийсини ўрганишга собиқ совет сиёсати катта эътибор қаратди. Фарғона водийсининг замонавий тадқиқотчилари, минтақани геосиёсий, географик, ижтимоий жиҳатдан таҳлил қилдилар.

Москвалик этнограф ва антропология институти доктори Сергей Абашин водийда тадқиқот ишларини олиб борди. Чегаралар бўлиниши, унинг ўзига хос ҳусусиятларини ўрганди. Фарғона водийси сув муаммолари бўйича доктор Kristin Bichsel 1991 йил Совет ҳокимиятининг парчаланиши сабабли Марказий Осиё, жумладан Фарғона водийсидаги сув муаммолари ва чегараларнинг бўлиниши билан боғлиқ масалаларни ўрганди [6;58-60].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий урф-одат ва қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Миллий қадриятлар ва урф-одатларимизни сақлаб қолиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Жумладан Ўзбекистонда аҳоли энг зич яшайдиган худуд ҳисобланган Фарғона водийси бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларига ташрифи давомида водий аҳолисининг оила урф-одатлари ва қадриятларини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ислоҳотларни амалга ошириш борасида қўрсатмалар берди. Президент ташрифи давомида бир қатор хонадонларда бўлиб, оилаларнинг яшаш тарзи, яратилаётган имкониятлар ва камчиликлар юзасидан сухбатлар олиб борди. Амалдаги камчиликлар бартараф этилди, таклифлар қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Фарғона водийси хар бир давр тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Худудда истиқомат қилувчи инсонларнинг ўзига хос табиий туғма қобилияти, идроки, юқори салоҳияти кўплаб тадқиқотчилар томонидан асосланган. Шу нуқтаи назардан Фарғона водийсини ўрганиш бўйича ҳозир ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳонда юз берәётган глобаллашув шароитида оиласвий муносабатларда муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, Ғарбда ёлғиз ота-оналик, бир жинсли жуфтликларнинг бирга яшashi каби турли хил турмуш тарзига бўлган муносабат. Афсуски бундай мамлакатлар сони тобора ортиб бормоқда. Турли хил оила шакллари ва турмуш тарзига тегишли қарашлар, оила урф-одатлари ва қадриятлари глобал миқёсда ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда дунёнинг 195 давлатидан 29 тасида бир жинслилар никоҳи қонунийлаштирган [7].

Оиладаги муаммолар энди аввалгидан фарқ қиласди. Шунинг учун одамларнинг никоҳни тарқ этишлари осонроқ кечмоқда.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида йилдан йилга ажрашиш ва алимент жараёнлари кўпайиб бормоқда. Ажралишлар индувидуализмнинг кучайиши ва одамлар ўз бахтига эришиш учун кўпроқ эркинликка эга бўлганлиги сабабли ҳам кенг тарқалмоқда.

Жаҳонда юз берәётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, ўзбек халқининг ўзига ҳос миллий қадриятларини сақлаб қолиш, ҳусусан оила муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “оила” атамаси қатъий, муқаддас тушунча этиб белгиланди. 2023 йил 30 апрелда Умумхалқ референдуми асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 1 майдан қонуний кучга кирди. Конституцияда қатъий белгиланган муқаддас оила тушунчаси мамлакатимизда бўлгани каби, Фарғона водийсида ҳам оила

муносабатларини янада мустаҳкамлаш, юксак маънавият ва азалий ахлоқ асосига қурилган урф-одат ва қадриятларни сақлаб қолишида муҳим ва ишончли қонун ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи: тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Урганч: УрДУ, 2019.
2. Ибрат, Исҳоқхон тўра. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Маънавият, 2005.
3. Ибрат, Исҳоқхон тўра. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005.
4. Сулаймон, Йўлдош. Фарғонанома – Водий достони. – Тошкент:Faafur Fулом, 1995. – 80 б.
5. S. Frederick Starr “Ferghana Valley The Heart of Central Asia” M.E.Sharpe Armonk, New York London, England 2011
6. Bichsel, Christine. "Liquid Challenges: Contested Water in Central Asia." Sustainable Development Law & Policy 12, no. 1 (2011): 24-30, 58-60.
7. <https://www.usatoday.com>